

Янги таҳрирдаги Конституция — инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва суд-хукуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди, шу билан бир қаторда, Бош қомусимизда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги таҳрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлмиш парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан қабул қилинганини биламиз. Бундан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз Асосий Қонунининг янги таҳрири бевосита умумхалқ референдумида — тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Шу маънода, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзидир. Фуқароларнинг хоҳиши-иродаси эса ислоҳотларнинг манбаи ва харакатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистон — инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлиши; халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқقا хизмат қилиши; «одамлар ташвиши билан яшаш», халқимизнинг қонуний талаб-истаклари ва хоҳиши-иродасини рӯёбга чиқариш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланиши; барча муҳим қарорлар аҳоли иштироқида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунда конун чиқарувчи ва ижро органларидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш; демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш; ҳокимият тармокларини тийиб туриш ва мувозанатни сақлашда парламент ролини ошириш; давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини яхшилаш, давлат органлари фаолиятининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда парламент ва жамоатчилик назорати механизmlарини амалга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Янги Ўзбекистонда халқимизнинг бой тажрибаси ва маданий анъаналарига асосланган демократия ўрнатилмоқда, бунда аҳолининг турли ижтимоий гурухлари ва қатламлари манфаатлари ҳисобга олинади. Зўравонликка асосланган эскича маъмурий-буйруқбозлик тизими қолдиқлари ниҳоят барҳам топди, кўппартиявиyлиқ, фоя ва фикрлар хилма-хиллиги одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Шунингдек, инсоннинг сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга ошириши, давлат органларининг демократик асосда шаклланишини таъминлаш, жамиятнинг демократик сиёсий тизимини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда демократик институтлар, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш учун қулай шартшароит яратиш кафолатланади.

Конституциямиз Муқаддимасида давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий мафкураси, халқимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида таянадиган конституциявий қадриятлар ва тамойиллар аниқ белгилаб берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 155 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатган бўлиб ва кўплаб халқаро ташкилот ва тузилмаларга аъзо ҳисобланади. Шу билан бирга, Янги Ўзбекистонда очиқ ва тинч, прагматик ва фаол ташки сиёсатнинг мутлақо янги модели амалга оширилмоқда.

Мазкур моделнинг энг муҳим вазифалари — миллий ривожланиш мақсадлари га сўзсиз эришиш учун барча ички ва ташки ресурсларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш, мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун қулай ташки муҳитни шакллантириш, миллий манбаатларни халқаро майдонда самарали илгари суриш ва изчил тарғиб қилиш ҳамда миллий ривожланиш мақсадлари га эришиш ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги ортиб боришини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солишидир.

Бу вазифаларни амалга оширишда Янги Ўзбекистоннинг барча хориж давлатлари билан муносабатларни ўрнатишда прагматик ёндашувни мустахкамлаш, кўп томонламалик тамойилини илгари суриш, глобаллашувнинг ижодий жараёнларини ривожлантириш, ўзаро манбаатли ва teng ҳукуқли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, давлатимизни дунёнинг фаол ва тадбиркор мамлакатларидан бирига айлантиришга қаратилган ташки сиёсати асосий омил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги, замонавий ва жуда муҳим нормаларнинг ҳаётга қатъий ҳамда изчил татбиқ этилиши, хусусан, судлар томонидан ана шу конституциявий қоидаларнинг тўғридан-тўғри қўлланиши юртимиз ва халқимиз тарихида инсон ҳукуқлари, эркинликлари, қонуний манбаатлари ва қадр-қимматини улуғлаш борасида янги даврни бошлаб бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”.

Конституциямизда Европа, Осиё, Шарқ ва Америка минтақаларида жойлашган дунё давлатларининг ижобий конституциявий тажрибаси ўз аксини топган. Асосий Қонунимиз ҳукуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, кўплаб халқаро ташкилотлар мутахассислари томонидан синчиклаб ўрганилган бўлиб, унга инсон ҳукуқлари бўйича халқаро ҳукуқ нормалари қўшимча равишда уйғунлаштирилган.

Маълумотларни тайёрлашда қуйидаги манбадан фойдаланилган:

https://constitution.uz/oz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat